

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари
касаба уюшмаси Республика Кенгашининг
раиси Ф.Р.Хананияевга

Жондор туман поликлиникасининг юқумли
касалликлар хонаси шифокорлари Д.Қаюмова,
К.Ёрматова ва Г.Нуруллаевалар томонидан

ТАШАККУРНОМА

Ҳурматли Фарҳод Раҳмонович, бизлар Жондор тиббиёт бирлашмасига қарашли
марказий поликлиникасининг юқумли касалликлар хонасида кўп йиллардан бери
фаолият кўрсатиб келмоқдамиз.

Мен Дилноза Қаюмова, ҳамшира Кумуш Ёрматова ва кичик тиббий Гулшод
Нуруллаевалар Жондор туман тиббиёт бирлашмасига қарашли марказий
поликлиникаси болалар инфекционисти хона врачлари, ҳамшираси ва санитаркаси
лавозимларида ишлаб, бир вақтнинг ўзида ОИВ/ОИТС касалликларини даволаш,
уларни диспансер назоратига олиш, суҳбат қилиш, қон таҳлиллари олиш, тестдан
кейинги суҳбат ўтказиш, мусбат натижа чиқганда тегишли ишларни олиб бориш
ишлари топширилганлиги сабабли бизларга қўшимча 75 фоиз миқдорида устама
тўлаши лозимлигини билиб, бир неча марта мурожаат қилган эдик. Аммо, бизларнинг
мурожаатларимиз инобатга олинмасдан жавобсиз қолдирилган эди.

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмасининг Республика
Кенгашининг меҳнат техник инспектори И.М.Бердиев томонидан 2022-йилнинг 18
апрелида ташкилотимизга ташриф буюриб, ўрганиш ишларини олиб борди ва
бизларнинг фаолиятимиз билан қизиқиб, тегишли ҳужжатларни йиғиб олди. Ўрганиш
натижаларига биноан иш берувчимизга ёзма кўрсатма киритиб, бизга тегишли бўлган
тўланмаган тўловларни ҳисоб-китоб қилиб, мен Д.Қаюмовага 2021 ва 2022-йилнинг 1
март ойига қадар 23140559 сўм, ҳамширамиз К.Ёрматовага 13516957 сўм,
санитаркамиз Г.Нуруллаевага 10846720 сўм миқдорида жами бўлиб 47 504 235 сўм
миқдоридаги қўшимча устама тўловларини тўлаб бериш талаби қўйилди. Аммо, иш
берувчи 75% миқдорида яъни, 47 504 235 сўм миқдоридаги тўловларни тўлаб
беришдан бош тортди.

Сиз раҳбарлик қилиб келаётган Кенгашнинг Бухоро вилояти бўйича меҳнат
техник инспектори 2022-йилнинг 1-августидан ФИБ Ромитан туманлараро судига даъво
аризаси киритиб, суд жараёнида иш берувчининг вакиллари билан бахс-музокаралари
олиб борилганидан сўнг Суднинг 2022-йилнинг 4-октябрь кунида 2-2003-2207/3741-
сонли ҳал қилув қарори орқали бизларнинг фойдамизга яъни, манфаатларимиз тиклаб
берилди. Маблағни тўлов вақти етиб келганда иш берувчи ўша маблағлардан воз
кечишни бизлардан талаб қилди. Аммо, бизлар рад жавобини берганимиздан сўнг,
2023-йил январь ойининг биринчи ҳафтасида Жондор туман МИБ томонидан бизларга
тегишли бўлган соғлиқ учун хавфли ишлар учун белгиланган 47 504 235 сўм
миқдоридаги тўловлар пластик карточкамизга тўлиқ ҳажмда тушириб берилди.

Шу муносабат билан Сизга ва Сиз орқали Кенгаш ходимларингизга чин
қалбимиздан миннатдорчилигимизни билдириб, огир ва машаққатли ишларингизга
муваффақиятлар тидаб қоламиз. Борингизга минг қатла шукрлар бўлсин.

Ҳурмат ва иззат ила:

Врач

/  /

Дилноза Қаюмова.

Ҳамшира

/  /

Кумуш Ёрматова

Кичик тиббий ходим

/  /

Гулшод Нуруллаевалар